



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

№2

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2025



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 2-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**  
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**  
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**  
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**  
и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров  
PhD, доцент И.М.Пардаева  
PhD, И.Ш.Эрназарова

**Техник муҳаррир:**  
и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**  
PhD, доц. С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**  
PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба  
чоп этилади.

Ўзбекистон худудида  
тарқатилади.

**Тахририят манзили:**  
140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ҳузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори, DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти, DSc

**А.М.Каримова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

<b>Обид Мамаюнович Пардаев</b> Коммунал хизматларни кўрсатишда креатив ёндошув асосида синергетик самарага эришишнинг инновацион йўналишлари	87
<b>Ибодулла Хасанович Ибрагимов, Лариса Алижоновна Мусабоева</b> Подходы к исследованию мультиатрибутивных параметров на рынке образовательных услуг вузов: рекомендации и методология	92
<b>Durbek Mirzaaxmadov</b> Xizmat ko‘rsatish korxonalarini raqobatbardoshligini oshirishning xorij tajribasi	96
<b>ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Дилафруз Каршиевна Усманова</b> Социальное партнерство как основа диверсификации национального туристского продукта Узбекистана	99
<b>Farida Abdusalimovna Axmedjanova, Sadoqat Murodjonava Vahobova</b> O‘zbekiston turizm xavfsizligini ta‘minlashdagi huquqiy va amaliy chora-tadbirlar tahlili	109
<b>Темурбек Бобурмирзо ўғли Саломов</b> Хизмат кўрсатиш тизимида зиёрат туризмини ўрни ва ўзига хос хусусиятлари	111
<b>Rayhona Sadriddinovna Amriddinova, Marjona Otabekovna Asliddinova</b> Navoiy viloyatida qishloq turizmini rivojlantirishda marketing strategiyalarini qo‘llash	114
<b>Зумрад Исламовна Усманова</b> Развитие сферы услуг и туристической индустрии в Узбекистане: тенденции, вызовы и перспективы	117
<b>Матлуба Абдиманабовна Куймуратова</b> Туризмнинг турлари ва улар таркибида экологик туризмнинг ўрни ва аҳамияти	121
<b>Хасан Абдусаидович Рахимов</b> Туризм ва меҳмонхона соҳаси самарадорлигини оширишда қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг таснифи	125
<b>Askar Axrorovich Siddikov, Shukurullo Nusratullo o‘g‘li Haqqulov</b> Turizm va mehmonxona sanoatining iqtisodiy ahamiyati	128
<b>Akbarjan Sabirjanovich Madaxanov, Zaynab Sattarovna Naimova, Akmal Akbarjanovich Madaxanov</b> Ekologik va rekreatsion turizm destinatsiyalarini yaratish va ulardan foydalanishda inson omili masalalariga doir mulohazalar	132
<b>Nozima Miraxmad qizi Toirova</b> Turistik xizmatlar bozorining rivojlanish tendentsiyalari: innovatsion yondoshuvlar va ishlab chiqarish samaradorligi	137
<b>Farida Abdusalimovna Axmedjanova, Bekjon Nizom o‘g‘li Ismatullayev</b> Turizm va mehmondo‘stlik industriyasida standartlashtirish va muvofiqlikni baholash xizmatlarining takomillashtirish yo‘llari	141
<b>Rayhona Sadriddinovna Amriddinova</b> Navoiy viloyatida qishloq turizmini rivojlantirishda raqamli texnologiyalardan foydalanish	144
<b>Shaxnoza Toshpulatova</b> Tarixiy arxitektura yodgorliklarining turizm sohasini rivojlantirishdagi ahamiyati va hududlar ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga ta‘siri	147
<b>Sitora Otabekovna Xamroyeva, Rayxona Sadriddinovna Amriddinova</b> Innovatsion turizm sohasida zamonaviy marketing reklamalarining o‘rni	150
<b>МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ</b>	
<b>Jahongir Bakhodirovich Ergashev</b> Korxonalarda xarid faoliyatini tashkil etish va boshqarish xususiyatlari	153

<p style="text-align: right;"><b>Z.Usmanova</b></p> <p style="text-align: center;"><b>O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatish sohasi va turizm industriyasining rivojlanishi: tendensiyalari, muammolari va istiqbollari</b></p> <p><b>Annотatsiya.</b> Maqolada O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatish sohasining rivojlanish dinamikasi, uning mamlakat iqtisodiyotiga qo‘shgan hissasi hamda turizm industriyasi va boshqa istiqbolli yo‘nalishlarni qamrab olgan holda tahlil etilgan. Turizm infratuzilmasini yaxshilash va raqobatbardoshlikni oshirishga qaratilgan strategik tashabbuslar keltirilgan. Shuningdek, mamlakatning turistik salohiyatini ilgari surishda raqamli texnologiyalar va strategik boshqaruvning muhim roli alohida ta’kidlangan.</p> <p><b>Kalit so‘zlar:</b> xizmat ko‘rsatish sohasi, turizm, iqtisodiy rivojlanish, infratuzilma, raqobatbardoshlik, raqamli texnologiyalar, turizm sanoati.</p>	<p style="text-align: right;"><b>Z.Usmanova</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Development of the service sector and tourism industry in Uzbekistan: trends, challenges and prospects</b></p> <p><b>Abstract.</b> The article analyzes the dynamics of development of the service sector in Uzbekistan, its contribution to the country's economy, including the tourism industry and other promising areas. Strategic initiatives aimed at improving tourism infrastructure and increasing competitiveness are presented. The important role of digital technologies and strategic management in promoting the country's tourism potential was also emphasized.</p> <p><b>Keywords:</b> services, tourism, economic development, infrastructure, competitiveness, digital technologies, tourism industry.</p>
----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

**Матлуба Абдиманабовна Куймуратова** – Наманган Давлат техника университети  
доценти, PhD

### ТУРИЗМНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР ТАРКИБИДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

**Аннотация.** Мақолада туризмнинг турлари ва улар таркибида экологик туризмнинг ўрни ва аҳамияти ёритилган. Бунда туризмнинг дунё миқёсида ривожланаётган айрим турлари, хусусан, индивидуал (шахсий) туризм ҳалқаро маданий мерос туризми, соғломлаштириш туризми, спорт туризми, экологик туризм кабиларга қисқача изоҳ берилган. Бунда маданий ва экологик билимлар ошириш лозимлиги тўғрисида илмий тавсиялар ҳам берилган.

**Калит сўзлар:** туризм, туризм турлари, хавфсиз туризм, тўсиқсиз туризм, экологик туризм, меҳнат туризми, соғломлаштириш туризми, спорт туризми, демократик туризм, шахсий туризм.

**Кириш.** Ҳозирги пайтда туризм дунёнинг аксарият мамлакатларида иқтисодийнинг драйвери сифатида кескин ривожланмоқда. Ҳозирги кунда Президентимиз таъкидлаганидек, “жаҳон ялпи маҳсулотининг тахминан 10 фоизи, экспортининг эса 7 фоизи сайёҳлик секторига тўғри келган”лигини<sup>1</sup> қайд этди. Шу билан бирга унинг турлари ҳам кўпайиб бормоқда. Чунки мазкур соҳага мамлакатимизда ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, ПФ-5611-сонли фармони, 2020 йил 28 майдаги «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6002-сонли фармони, 2021 йил 9 февралдаги Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сон Фармони, 2023 йил 11 сентябрдаги, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги «Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 828-сонли Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу билан бирга туризм соҳаси бўйича Ўзбекистонлик олимлардан Н.Т.Тухлиев, Б.Н.Навруз-Зода, И.С.Тухлиев, Н.С.Ибрагимов, М.К.Пардаев, М.М.Мухаммедов, Б.Х.Тўраев, Д.Х.Асланова, О.Х.Хамидов, М.Т.Алимова, Б.Ш.Сафаров, З.О.Рахимов, Г.А.Алимо-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош Ассамблеяси 25-сессиясидаги нутқи 16.10.2023 <https://president.uz/uz/lists/view/6763>.

ва, З.И.Усманова кабилар<sup>1</sup> шуғулланиб келмоқдалар. Кўриниб турибдики, мазкур соҳани тадқиқ қилиш ўта долзарб масалалардан бири сифатида кун тартибда турибди.

**Тадқиқот методологияси.** Туризмнинг турларини тадқиқ қилишга бағишланган мақолани тайёрлаш жараёнида турли методологик ёндошувлардан, хусусан, макон ва замон, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, мантиқий таҳлил каби методологик асослардан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Ҳозирги пайтда туризмнинг турларидан бири ҳукумат ва давлат идоралари томонидан ташкил этилган турли халқаро анжуманлар, симпозиумлар, шу билан бирга турли миллий ва маданий анъаналарни ўрганишга йўналтирилган халқаро миқёсдаги тадбирлар ўтказилмоқда. Шунингдек, давлат музейлари, миллий байрамларга ҳам турли давлатлар вакиллари иштирок этмоқда. Ушбу туризмнинг турини айрим адабиётларда **демократик туризм**, деб атамоқда.

Туризмнинг яна бир тури **индивидуал (шахсий) туризм** бўлиб, ушбу туризм турида сайёҳлар кичик гуруҳлар томонидан амалга оширилади, улар ўз хоҳишларига кўра йўналишни ўзлари танлайди. Туризмнинг бу тури халқаро ёки ички бўлиши мумкин. Мухими, буни ҳар бир шахс ўзининг имконияти ва вақтидан келиб чиқиб ўзлари танлайдилар. Ҳозирги пайтда жаҳон миқёсида маданий меросни ўрганиш, музейлар, театрлар, тарихий обидаларга ҳам қизиқиш ортиб бормоқда. Ушбу туризмни **халқаро маданий мерос туризми** сифатида эътироф этиш мумкин. Ушбу туризм йўналишида ҳар бир ҳудуд ва миллатнинг қадимги тарихи, маданияти тарихий обидалари орқали ўрганилади. Бу туризмнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, шу йўл билан халқларнинг асл қадриятлари ҳам ўрганилади.

Туризмнинг яна бир дунё миқёсида ривожланаётган турларидан бири **соғломлаштириш туризми** ҳисобланади. Ушбу туризмда шифокорлар назоратида хавфсиз ва соғлом турмуш тарзини сақлаш учун ташриф буюрилади. Бунда турли даволанишлар билан бирга санаторияларда дам олиш тадбирлари ҳам амалга оширилади. Ушбу туризм туридан мамлакатимиз аҳолиси ҳам кенг фойдаланиб келмоқда.

Яна бир муҳим йўналишлардан бири спорт машғулоти, тоғ томошаси, сузиш ва бошқа спортнинг бир қанча турларига йўналтирилган **спорт туризми** ҳисобланади. Бу кўпинча спорт мусобақаларини ўтказиш билан боғлиқдир. Бизнинг командамиз хорижий мамлакатларда ўйнайдиган бўлса, ихлосмандлар уларни кўллаб-қувватлаш учун ўша мамлакатларга бориб томоша қилади. Шу туфайли спорт туризми ҳам ўзига хос бўлиб, барқарор ривожланиш тенденциясига эга.

Ишлаш ёки иш орқали машғул бўлиш, мисол учун кўп сонли иш ўринлари бўлган шаҳарлар ёки давлатларда фаолият кўрсатиб, юрадиган кишилар **меҳнат туризмига** дахлдордир. Буларнинг меҳнат туризми деб аталишига сабаб улар саёҳат қилиш ёки даво олиш учун эмас, балки меҳнат қилиш учун ташриф буюрадилар. Туризмнинг бу тури ҳам

<sup>1</sup> Навруз-зода Б.Н., Ибрагимов Н.С., Навруз-зода З.Б., Навруз-зода Ш.Б. Туристик ҳудуд рақобатбардошлиги Монография. Бухоро: “Садриддин Салим Бухорий” Дурдона нашриёти, 2017 – 156 б.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. -Т.: Гос.науч.изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006. – 424 с.; Тухлиев И.С., Қудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. Дарслик. -Т.: “Iqtisod-Moliya” нашриёти, 2010. – 238 б.; Мухаммедов М.М. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. //Монография. “Зарафшон” нашриёти. 2017. – 300 б.; Асланова Д.Х. Региональный туристский кластер: сущность и проблемы его эффективного функционирования. Монография. / Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, З.И.Саттарова. – Самарканд: Zarafshon, 2017. – 225 с.; Тураев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. - Т.:«Фан», 2009. – 154 с.; Хамидов О.Х. Выбор конкурентной стратегии предприятия на рынке туристических услуг Узбекистана: дисс...канд. экономических наук. -С.:СамИСИ, 2006. -155 с.; Boltabayev M.P, Tuxliyev I.S. Turizm: nazariya va amaliyot. –Т.: «Fan va texnologiya», 2018, - 400 б.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарканд вилояти мисолида): иқтисодий фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -С.: СамИСИ, 2017. - 265 б.; Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари // Монография. - Тошкент: «Фан ва технология» нашриёти, 2016. - 184 б.; Рахимов З.О. Туризм дестинацияларида стратегик режалаштиришнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш (Самарканд шаҳри мисолида): и.ф.н.... диссертация. -С.: СамИСИ, 2012.; Алимова Г.А. Рекреацион-туристик салоҳиятдан самарали фойдаланиш асосида минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш (Тошкент вилояти мисолида): и.ф.б. Фалсафа доктори PhD .... диссертация. -Т.: ЎзМУ, 2019.; Усманова З.И. Ўзбекистонда туристик-рекреацион хизматларни ривожлантириш хусусиятлари ва тенденциялари: и.ф.б. Фалсафа доктори PhD .... диссертация. - С.: СамИСИ, 2018.

анча кўпайиб кетган ва ҳамон ошиб бормоқда.

Барча туристлар меҳмонхоналарда узоқ ёки қисқа муддат келиб яшаб, меҳмонхона хизматларидан фойдаланишади. Шу туфайли туризмда меҳмонхона хизматлари асосий ўринни эгаллайди. Туризмнинг қайси турига қарамаи, ҳаммасида яшаши учун асосан меҳмонхона хизматларидан фойдаланади. Шу туфайли туризмнинг ажралмас қисми бўлган меҳмонхоналарнинг сон ва сифати жиҳатидан ривожланишига катта аҳамият берилиб келинмоқда.

Экологик муҳофаза ва экологик тарбияга қаратилган, табиат ва муҳитга зиён етказмай ҳаракат қилишга қаратилган туризмнинг илғор турларидан бири **экологик туризм** ҳисобланади. Бунда жонли ва жонли бўлмаган табиат объектларига ташриф буюриш, хусусан, миллий паркларга, вулқонлар, ландшафтлар, тўғри ва шовқинли табиат билан танишиш тадбирлари амалга оширилади. Буни айрим адабиётларда табиат туризми, деб ҳам атайдилар.

Кўриниб турибдики, туризмнинг турлари турли йўналишларда амалга оширилиши мумкин экан. Шулардан эътироф этиш жоизки, туризмнинг муҳим йўналишларидан бири **экологик туризмдир**. Мазкур туризм табиатни муҳофаза қилиш ва экологик маданиятни кўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган туризм тури ҳисобланади. У табиатни ҳурмат қилган ҳолда сайр қилиш орқали завқланиб, унинг табиий мақонларига, биохилма хилликка зиён етказмаслик, экологик хавфсизликни таъминлаш ва туризм орқали аҳамиятли экологик муаммоларни кўтаришга қаратилган. Экологик туризмнинг ўзига хос асосий хусусиятлари мавжуд. Бу хусусиятлар бир қанча. Булар:

Биринчидан, **табиатни муҳофаза қилишга** қаратилган. Бунда асосан табиат кўйнидага манзаралар, миллий парклар, зоологик боғлар кабилардан фойдаланишда уни ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиладиган тадбирларга аҳамият қаратилади. Бунинг асосий йўналишларидан бири, табиий муҳитни ҳурмат қилиш бўлиб, бунда туристлар белгиланган маршрутлардан ташқари чиқмай, табиатга зиён етказмаслик чоралари кўрилади.

Иккинчидан, **маданий ва экологик билимлар ошириш** ҳам муҳим йўналиш ҳисобланади. Бунда туристларга табиатни асраш, ифлослантирмаслик, экологик вазиятлар, табиат муҳофазаси ва иқлим ўзгариши ҳақида маълумотлар бериб борилади. Ушбу йўналишда маҳаллий аҳоли билан ҳамкорлик қилиш ва уларнинг ривожланишига кўмаклашиш орқали туризмнинг манфаатдорлиги ҳам таъминланади.

Учинчидан, туристлар ва маҳаллий аҳолининг **экологик онгини** ошириш ва унга масъул бўлишга тарғиб қилиш ҳам соҳанинг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Шу орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ундан самарали фойдаланишда жамият иштироки таъминланади ҳамда аҳолида сезгирлик ва экологик таълим орқали савияси ҳам ошиб боради.

Кўриниб турибдики, экологик туризмни ривожлантириш табиатни муҳофаза қилиш, маҳаллий жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда туризм салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга экан.

Булардан ҳам кўриниб турибдики, инсоннинг табиатга эътибори экологик туризмни ривожлантиришни ҳам тақозо қилар экан. Бунда ўрмонлар, қирлар, даралар, дарахтзорлар ва бошқа табиатга хос сўлим жойлар, кўркам, турли неъматларга бой ҳудудлардан инсонларнинг завқланиши учун фойдаланиш имконияти яртилади. Табиат оралиғида ташкил этилган саёҳат йўллари, экологик йўналишларни қамраб оладиган экотуризм объектлари билан шахсий ёки гуруҳ ҳисобида саёҳат қилиш учун турли туристик маршрутлар ташкил қилинади.

Табиатдаги тарихий ёдгорликлар, миллий парклар ва зоологик боғлар табиатга боғлиқ маданий мерос объектлари бўлиши ҳам мумкин. Табиатда яшаш, ташқи муҳитга мослашиш, экологик маълумотга эга бўлиш табиатга оид тажриба ва билимларни ошириш ҳам экологик туризм орқали амалга оширилади. Шу орқали инсонларда экологик саводхонлик, табиатни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар ва маънавий-ахлоқий руҳият ҳам шаклланади.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб айтганда, табиат билан боғлиқ экологик туризм одатда табиатни муҳофаза қилиш, турмуш тарзига диққат қилиш ҳамда экологик

онгни ошириш мақсадида ташкил этилади. Шу туфайли мазкур туризмнинг инсон камолотида ўзига хос ўринга эга.

Тадқиқот жараёнида бир қанча илмий ва амалий тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди. Булар қуйидагилардан иборат:

**Биринчидан**, қадимдан мавжуд бўлган туризмнинг турларидан бири индивидуал (шахсий) туризмнинг статистикасини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Чунки ушбу маълумотлар мамлакат ва ҳудудлар кесимида ҳам етарли даражада олиб борилмайди.

**Иккинчидан**, меҳнат туризмини ҳам иккита йўналишда (кирувчи ва чиқувчи) ҳисоб-китобини олиб бориш мақсадга мувофиқ. Меҳнат туризмнинг самарадорлигини ошириш мақсадида хорижга юқори малакали мутахассисликка эга бўлган инсон ресурсларини сафарбар қилиш лозим. Чунки булар оладиган иш ҳақи юқори бўлади ва шу орқали мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётига муносиб ҳисса қўшади.

**Учинчидан**, аҳоли ўртасида экологик онгни юксалтириш борасида тегишли ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Чунки шу йўл билан табиатни, экологик муҳитни асраб-авайлаш ва такомиллаштириш кўникмаси ҳам шаклланиб боради.

Пировардида шуни таъкидлаш жоизки, оламда, табиат, жамият ва инсон тафаккурида содир бўлаётган жараёнлар бир-бири билан узвий алоқа ва боғлиқликда бўлгани каби, инсонлар томонидан ўрганадиган турли фанлар ўртасида ҳам мустақкам боғлиқлик ва алоқалар мавжуд экан. Хусусан, экологик туризмнинг барча йўналишлари инсон ва уни ўраб турган олам билан чамбарчас боғлиқ. Демак, ҳамма нарса дунёда бир-бири билан диалектик боғлиқликда, деб қаралса мақсадга мувофиқ бўлади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош Ассамблеяси 25-сессиясидаги нутқи 16.10.2023 <https://president.uz/uz/lists/view/6763>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, ПФ-5611-сонли фармони,
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6165-сон Фармони,
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сонли фармони.
5. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. -Т.: Гос.науч.изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006. – 424 с.;
6. Тухлиев И.С., Кудратов Ғ.Х., Пардаев М.К. Туризмни режалаштириш. Дарслик. -Т.: “Iqtisod-Moliya” нашриёти, 2010. – 238 б.;
7. Мухаммедов М.М. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. //Монография. “Зарафшон” нашриёти. 2017. – 300 б.;
8. Асланова Д.Х. Региональный туристский кластер: сущность и проблемы его эффективного функционирования. Монография. / Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, З.И.Саттарова. – Самарқанд: Zarafshon, 2017. – 225 с.;
9. Тураев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. - Т.:«Фан», 2009. – 154 с.;
10. Boltabayev M.P, Tuxliyev I.S. Turizm: nazariya va amaliyot. –Т.: «Fan va texnologiya», 2018, - 400 б.;
11. Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида): иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Самарқанд: СамИСИ, 2017. - 265 б.;
12. Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методо-логик асослари // Монография. - Тошкент: «Фан ва технология» нашриёти, 2016. - 184 б.;

13. Алимова Г.А. Рекреацион-туристик салоҳиятдан самарали фойдаланиш асосида минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш (Тошкент вилояти мисолида): и.ф.б. Фалсафа доктори PhD .... диссертация. -Т.: ЎзМУ, 2019.;

<p><b>М.Куймуратова</b></p> <p><b>Виды туризма, место и значение в них экологического туризма</b></p> <p><b>Аннотация.</b> В статье рассматриваются виды туризма, роль и значение в них экологического туризма. Кратко описываются некоторые виды туризма, которые развиваются в мировом масштабе, в частности, индивидуальный (личный) туризм, международный туризм по культурному наследию, оздоровительный туризм, спортивный туризм, экологический туризм и т.д. Также даны научные рекомендации о необходимости расширения культурных и экологических знаний.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> туризм, виды туризма, безопасный туризм, безбарьерный туризм, экологический туризм, трудовой туризм, оздоровительный туризм, спортивный туризм, демократический туризм, индивидуальный туризм.</p>	<p><b>M.Kuimuratova</b></p> <p><b>Types of tourism, place and importance of ecotourism in them</b></p> <p><b>Abstract.</b> The article examines the types of tourism, the role and significance of ecotourism in them. It briefly describes some types of tourism that are developing on a global scale, in particular, individual (personal) tourism, international cultural heritage tourism, health tourism, sports tourism, eco-tourism, etc. It also provides scientific recommendations on the need to expand cultural and environmental knowledge.</p> <p><b>Keywords:</b> tourism, types of tourism, safe tourism, barrier-free tourism, eco-tourism, labor tourism, health tourism, sports tourism, democratic tourism, individual tourism.</p>
-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

**Хасан Абдусайидович Рахимов** – СамИСИ “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси доценти, PhD

### ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

**Аннотация.** Мақолада туризм ва меҳмонхона соҳаси самарадорлигини оширишда қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг алоҳида белгилари бўйича таснифи батафсил ёритиб берилган.

**Калит сузлар:** туризм, меҳмонхона, туризм соҳасида бошқарув қарори, меҳмонхона хўжалигида бошқарув қарори.

**Кириш.** Барча соҳалар сингари туризм ва унинг таркибий қисми бўлган меҳмонхона соҳасида ҳам кадрлар менежментини такомиллаштириш бугунги кунда объектив заруратга айланди. Чунки, иқтисодий-ижтимоий жараёнлар шиддат билан ўзгариб, такомиллашиб бораётган бир паллада, уни бошқарадиган барча иқтисодий механизмларни ва унинг таркибий қисми бўлган менежмент ҳам такомиллашишни талаб қилади. Шу туфайли мазкур масаланинг асосий йўналишларини қараб чиқиш, уларнинг соҳа самарадорлигини оширишга таъсирини ўрганиш ўта долзарб масалалар сирасига киради.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Буни муаммонинг ўрганилганлик даражасидан ҳам яққол билиш мумкин. Хизмат кўрсатиш ватуризм соҳаси тадқиқотлари билан бир қанча МДХ мамлакатлари олимлари шуғулланиб келмоқдалар. Булар жумласига Ю.Ф.Волков<sup>1</sup>, Л.П.Шматко<sup>2</sup> кабиларини киритиш мумкин. Республикамиз олимларидан М.Қ.Пардаев<sup>3</sup>, И.С.Тухлиев<sup>4</sup>, Н.Тухлиев<sup>5</sup> кабиларнинг асарларида ҳам туризм ва меҳмонхона бизнесини ривожлантиришнинг у ёки бу жиҳатлари, айрим ҳолларда уларда

<sup>1</sup>Волков Ю.Ф. Экономика гостиничного бизнеса. Изд. 2-е.- Ростов н/Д.: Феникс, 2005. – 380 с.

<sup>2</sup>Шматко Л.П.и др. Туризм и гостиничное хозяйство. – М.: ИКЦ «МарТ»; Ростов н/Д.: ИЦ МарТ, 2003.

<sup>3</sup>Пардаев М.Қ. Атабаев Р. Туризм асослари. Самарқанд, СамИСИ. 2006 – 74 б., Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Т.: “Иқтисод ва молия”. 2008. -259 б.

<sup>4</sup>Тухлиев И.С ва бошқалар. Туризм асослари. Ўқув кўлланма. - Самарқанд, СамИСИ, 2010. -247 б.

<sup>5</sup>Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. –Т.: Гос. Науч. Изд-во “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2006. – 386 б., Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. –Т.: Гос. Науч. Изд-во “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2006. – 416 с., Тухлиев Н.,

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

19.05.2025 йилда теришга берилди. 06.06.2025 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0036А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.